

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 5 август куни Туркманбоши шахрига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Аввал хабар берилганидек, 6 август куни Ўзбекистон Президенти "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди. У барча қўшни мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, биринчи саммит 2018 йил март ойида Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида ўтказилган эди. Иккинчиси эса 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Навбатдаги саммитда, аввало, илгари эришилган келишувларнинг натижалари кўриб

чиқилади. Минтақада барқарор ва изчил тараққиётни таъминлаш, савдони ривожлантириш, энергетика соҳасида шериклик учун қўлай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, пандемияга қарши биргаликда курашиш масалалари муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва кўмак муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари суриши, умумий манфаатларга асосланган минтақавий ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини баён этиши кутилмоқда.

Саммит доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва Иқтисодий форум, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, миллий таомлар фестивали ҳамда санъат усталари концерти ҳам ўтказилади.

ЎЗА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИЛҚИЧИЛИК, ОТ СПОРТИ, ЗАМОНАВИЙ БЕШКУРАШ ВА ПОЛОНИ 2025 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Йилқиччилик ва от спорти янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва полон спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ—5024-сон қарорига мувофиқ, ушбу спорт турлари ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш ва оммалаштириш, улар бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасиёё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йirik мусобақаларда иштирок этиши ва юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

**Ўзбекистонда йилқиччилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистонда йилқиччилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури**ни 2021 йилда амалга ошириш бўйича "Йул харитаси" 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистонда йилқиччилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони

Давоми 2-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ЧАВАНДОЗЛАР МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги "Ешларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ — 6260-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда от спорти турларини янада ривожлантириш, янги авлод чавандозларини тайёрлаш ва тарбиялаш, ешлар ўртасида от спортини фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида от спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (Чавандозлар мактаблари) ва уларнинг туман (шаҳар) секциялари ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки:

Чавандозлар мактаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Йилқиччилик ва от спорти янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва полон спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ—5024-сон қарорига мувофиқ от спортга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари негизда ташкил қилинади;

Давоми 3-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚОРАБАЙИР ЗОТЛИ ОТЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ҲАМДА ОТ СПОРТИ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган Қорабайир зотли отларни кўпайтириш ҳамда уларни от спортга кенг жалб этиш, мамлакатимизда от спорти турларини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Миллий гвардия хузурида Қорабайир отлари маҳорат мактаби ташкил этилсин.

Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Янгибод маҳалласи ҳудудидаги 64,6 га ер майдони бино ва иншоотлари билан бирга Миллий гвардиянинг балансига ўтказилсин ва унда Қорабайир отлари маҳорат мактаби жойлаштирилсин.

Миллий гвардия (Р.Джурбаев), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов) ва Ўзбекистон йилқиччилик ва от спорти федерацияси (Б.Газиев) Қорабайир отлари маҳорат мактаби фаолиятини 2021 йил 1 октябрдан бошлаб тўлиқ йўлга қўйсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов) икки ой муддатда Қорабайир отлари маҳорат мактаби отларига озунга базасини яратиш мақсадида 100 га суғориладиган ер майдонини белгиланган тартибда ажратиб чораларини кўрсин.

2. Куйидагилар Қорабайир отлари маҳорат мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ёш авлод чавандозларини тарбиялашга йўналтирилган миллий от спорти мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишда Қорабайир зотли отлардан фойдаланишни оммалаштириш ҳамда миллий от спортининг халқаро доврғини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

йилқиччиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш йўли билан Қорабайир зотли отлар бош сонини кўпайтириш;

Қорабайир зотли отларни сақлаш ва сифатли ветеринария хизмати кўрсатиш ишларини яхшилашга кўмаклашиш, шунингдек, жаҳон бозорида от зотлари орасида Қорабайир от зотининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

аҳолининг кенг қатламини, айниқса, ёшларни, Қорабайир отлари маҳорат мактабидоғидаги секция ва клубларга жалб этиш.

3. Қорабайир отлари маҳорат мактаби ходимларининг чекланган сони 50 нафардан иборат тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг штат бирликлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) Миллий гвардияга ажратилган умумий штат бирликлари доирасида шакллантирилади;

Давоми 2-бетда

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ИҚТИСОДИЙ РИШТАЛАР

#### КЎП ҚИРРАЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Президентимизнинг Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ташкил этиш ташаббуси минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Биринчи шундай учрашув 2018 йили Нур-Султонда, иккинчиси 2019 йили Тошкентда ўтказилган бўлса, учинчиси пандемия сабаб шу йилнинг 5-6 август кунлари Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтади.



Табиийки, унда минтақавий долзарб масалалар қатори ўзаро савдо-иқтисодий, кооперация,

инвестициявий ҳамкорликни, шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасида транспорт логистикаси

Давоми 5-бетда

### КУН МАВЗУСИ

## ВАКЦИНА — ЯГОНА ЧОРА!

Куни кеча 2021 йил I ярим йиллигида иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда ҳар бир тармок ва ҳудудда учинчи чорак ва йил якунига қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ййгилишда давлатимиз раҳбари пандемияни енгиб ўтиш доирасида олиб борилётган ишларга алоҳида тўхтади.

Давоми 4-бетда

### САЙЛОВ — 2021

#### САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ — ДАХЛСИЗ

БУ БОРАДА ҚОНУНЧИЛИК БУЗИЛГАНДА ЖАВОБГАРЛИК КЎЗДА ТУТИЛГАН

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жамият сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришларни бошлаб берди. Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш доирасидаги бир қатор ўзгаришлар ичида Сайлов кодекси қабул қилингани муҳим янгилик бўлди. Ушбу кодекс жорий йил бўлиб ўтадиган Президент сайловини умумэтироф этилган ҳуқуқий меъёрлар ва демократик тамойиллар асосида ўтказишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.



Давоми 4-бетда





## КУН МАВЗУСИ

# ВАКЦИНА — ЯГОНА ЧОРА!



**Ҳабибулла ОҚИЛОВ,**  
Тиббиёт ходимларининг  
касбий малакасини  
ривожлантириш маркази  
директори, профессор

Бошланиши 1-бетда

**“Пандемиядан имкон қадар йўқотишларсиз ўтишимиз ва кейинги тўлқинларга йўл қўймаслик учун, халқимиздан 3 та муҳим шартга қатъий амал қилиш талаб этилади”, деди Президентимиз.**

Вакцинация, шахсий гигиена ва ижтимоий масофани сақлаш, касаллик енгил кечаётган ва уй шароитида даволанаётган беморларнинг ўзбошимчилик билан, дори-дармонни папапартиш истеъмол қилишининг олдини олиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Икки йилдирки дунё аҳли коронавирус билан аёвсиз курашапти. Афсуски, ундан тўлиқ тузатадиган дори ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Ҳозирча ягона имконият вакцина бўлиб турибди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда халқаро экспертлар томонидан коронавирусга қарши курашиш ва янги тўлқинларнинг олдини олиш оммавий вакцинация орқали муваффақиятли ташкил этилиши мумкинлиги юзасидан тавсиялар берилган.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигига қаратилаётган юксак эътибор махсули ўларок, коронавирусга қарши эмлаш ишлари юқори савияда ташкил этилмоқда. Юртимизда 2021 йил апрель ойдан шу пайтгача қўлланаётган AstraZeneca, ZFUVAC 2001, Спутник V вакциналари қаторига яқинда яна бир вакцина — Moderna ҳам қўшилди. Таъкидлаш кераки, тўрттала вакцинанинг таъсири бир хил, самарадорлиги 90 фоиздан зиёд. Шу пайтгача қўлланган эмлашларда вакциналарнинг ноҳўя таъсири — оғир аҳволга тушиш, ўлим ҳолати кузатилмади.

Тўғри, айрим юртдошларимизда турли белгилар намён бўлаётди. Чунки бу оддий сув эмас, вакцина. У организмга кириши билан иммун тизими ва ҳужайраларга таъсир кўрсатади. Шу боис, баъзан вақтинчалик ҳолатлар — тана ҳароратининг 38 даражагача ошиши, бугим ёки мушаклар оғриги, кўнгил айнаши, бош оғриги каби белгилар кузатилиши мумкин. Улар инсон организмнинг индивидуал ҳолатига қараб кузатилади ва 3-4 кунда ўтиб кетади.

Дунё таърибисидан эмлашни вақтида ва керакли ҳажмда қилган давлатларда коронавирус муаммоси деярли бартараф этилмоқда. Масалан, Исроилда аҳолининг 90 фоизи эмланди. Бу пандемияни жилашга ёрдам берди. Япония, Жанубий Корея, Хитойнинг айрим вилоятларида ҳам эмлаш ишлари яхши олиб борилгани тўғрисида коронавирус чекинаётгани вакциналарнинг самарадорлигига яна бир далилдир.

Айни пайтда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги поликлиникаларда, жойларда ташкил этилган эмлаш пунктларида 18 ёшдан юқори бўлган аҳолининг барча қатлами

эмлаши учун зарур шароитлар яратилган. 4 август ҳолатига кўра, мамлакатимизда тўлиқ эмланган фуқаролар 1 миллион 279 минг 69 нафарни ташкил қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, барчаси бепул амалга оширилмоқда. Айрим мамлакатларда вакцина у ёқда турсин, дори-дармон танқислиги кузатилаётган бир пайтда давлатимиз бунга маблағ ажратиб, вакцинани халқимизга етказиб бермоқда. Яқин кунлардан бошлаб Спутник V вакцинаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилади.

Юртимизда 2021 йил апрель ойдан шу пайтгача қўлланаётган AstraZeneca, ZFUVAC 2001, Спутник V вакциналари қаторига яқинда яна бир вакцина — Moderna ҳам қўшилди. Таъкидлаш кераки, тўрттала вакцинанинг таъсири бир хил, самарадорлиги 90 фоиздан зиёд. Шу пайтгача қўлланган эмлашларда вакциналарнинг ноҳўя таъсири — оғир аҳволга тушиш, ўлим ҳолати кузатилмади.



Бошқа вакциналар ҳам етарли даражада келтирилган ва яна олиб келинади. Вакциналарни олиб келиш ўз-ўзидан бўлмайд. Ҳар битта вакцинани етказиб бериш шarti бор. Масалан, “совуқлик занжири” деган тушунча мавжуд. Қайсидир вакцина 70 даража совуқда келтирилиши керак, бошқаси камида 20 даража совуқда сақланиши лозим. Бундан дунёда вакцина етишмовчилиги кузатилаётган бир пайтда аҳолини юқумли касалликка қарши эмлаш ишлари юқори савияда олиб борилаётгани мамлакатимизда инсон саломатлигига қаратилаётган катта эътибордан далолатдир.

Куни кеча Зангиота туманидаги шифохонада бўлиб, беморлар ҳолидан хабар олдим. Улар орасида эмланганлар 1 фоизни ҳам ташкил этмапти. Тўғри, айрим эмланганлар ҳам касалликни қайта юқтиряпти. Эмлашнинг биринчи босқичи билан иккинчисининг орасига тушиб қолган ёки иккинчи вакцинадан кейин ҳали иммунитет ҳосил бўлишга улгурмаган даврда инфекция юқтирганларда дард енгил ўтапти. Масалан, эмланган беморлар ичида реанимацияда ётгани ёки сунъий нафас олиш аппаратида улангани, оғир ёки ўта оғир ҳолатга тушгани учрамайди. Оғир, интенсив бўлима тушган эмланмаган беморлар вакцина олиш афзаллигини тушунапти.

Бу эса вакцинациядан бошқа чора йўқлигига яна бир далилдир. Коронавирусни енгиниш ягона йўли — эмлаш. Қолаверса, ижтимоий масофа, ниқоб тақош, антисептиклардан фойдаланиш

Юртимизда 2021 йил апрель ойдан шу пайтгача қўлланаётган AstraZeneca, ZFUVAC 2001, Спутник V вакциналари қаторига яқинда яна бир вакцина — Moderna ҳам қўшилди. Таъкидлаш кераки, тўрттала вакцинанинг таъсири бир хил, самарадорлиги 90 фоиздан зиёд. Шу пайтгача қўлланган эмлашларда вакциналарнинг ноҳўя таъсири — оғир аҳволга тушиш, ўлим ҳолати кузатилмади.

ҳозир ҳам амалда. Аммо юртдошларимиз орасида бунга бепасанд қараётганлар ҳам бор. Икки йил мобайнида йиғилган таъриба шуни кўрсатмоқдаки, коронавирусдан сақланишнинг яна бир чораси — ниқоб тақош ва ижтимоий масофа сақлаш. Вакцина олиш мумкин бўлмаган пайтда бу қоидаларга қатъий риоя қилиниш шарт.

Аҳоли ўртасида касалликни камайтириш учун манбани эрта аниқлаш, яъни юқори нафас йўллариининг ял-



лигланиш аломатлари (иситма, йўтал, грипп) бўлганларни эрта шифохонага ётқизиш, эҳтиёт чораларини кўриш (тиббий ниқоб тақош, нафас олиш ва қўл гигиенаси, шахсий химёя воситаларида фойдаланиш), ижтимоий масофа сақлаш ва соғлом турмуш тартибига риоя қилиш бўйича тадбирларни талаб даражасида бажариш лозим. Зеро, дунёда коронавирус хавфи бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ.

Яна бир гапни таъкидлашни истардим. Касаллик аниқланганда уни ўзбошимчилик билан даволаш ҳолатлари ёки мутахассис бўлмаган айрим шифокорлар томонидан ёзилган даво чоралари касалликнинг турли асоратлар билан келиши хавфини юзага келтирмоқда. Билиб-билмасдан кўп миқдорда ва керак бўлмаган ҳолатда дори-дармонни ўзбошимчилик билан қабул қилиш айрим ҳолларда ўлимгача олиб келяпти.

Бугун аҳоли орасида коронавирусдан даволаниш ёки профилактика мақсадида антибиотик қабул қилиш ҳоллари учраб турибди. Антибиотик вирусга таъсир қилмайди. Ахир ҳар бир дорининг ўз хусусияти, таъсири бор. Айниқса, бу касалликда айрим дориларни қабул қилиш умуман мумкин эмас. Хусусан, антибиотик ва томчи дорилар бемор аҳолининг оғирлашуви олиб келяпти. Барча дорилар касаллик даражаси, таҳлил натижаларига қараб белгиланиши шарт.

## САЙЛОВ — 2021

## САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ — ДАҲЛСИЗ

**БУ БОРАДА ҚОНУНЧИЛИК БУЗИЛГАНДА ЖАВОБГАРЛИК КЎЗДА ТУТИЛГАН**



**Робахон МАҲМУДОВА,**  
Олий суд раисининг  
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Айтиш кераки, ҳар қандай демократик давлатда кузатилганидек, сайловолди ташвиқоти ва сайловгача бўлган барча жараёнлар, шунингдек, сайлов натижаларига нисбатан муайян эътирозлар юзага келиши табиий жараён ҳисобланади. Бундай эътирозли ҳолатлар қонун доирасида ҳал этилади.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби билан боғлиқ жавобгарлик масаласига тўхталасан.

Шуниси аҳамиятлики, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, уни бевосита ва билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Бу борадаги муносабатлар ҳам амалдаги Сайлов кодекси билан тартибга солинади. Сайлов комиссиялари сайлов кампаниясини ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур кодекс талаблари бузилгани ёки сайловни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатлари бўйича текширувлар ўтказилади. Бунда уч кунлик мuddатда мурожаатчиларга ёзма жавоб берилиши лозим. Сайловга каммида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатлар эса дарҳол кўриб чиқилиши ва уларга теzkорлик билан жавоб қайтарилиши шарт. Бунда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Сайлов кодексига киритилган эндиги қўшимчаларга асосан аниқликда сайлов жараёни субъектлари сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганда кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганда кейин беш кун ичида Олий судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоятлар келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга каммида олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 142-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракати ва қарорлари юзасидан эътирозлар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади. Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари юзасидан эътироз туғилганда, бу ишлар Олий суд томонидан кўрилади. Бу тоифадаги шикоятлар суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши зарур. Агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, шикоят дарҳол кўриб чиқилиши шарт.


Мазкур кодекснинг 167-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари юзасидан низолашши тўғрисидаги ишларга доир суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ тегишли сайлов комиссияси ва аризагача топширилади. Бунда



суднинг тегишли қарори дарҳол ижро этилиши лозим.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Сайлов кодексида мурожаат қилиш тартиби ҳамда мuddатининг бир хиллиги, уларни тегишли органлар томонидан ўз вақтида, очик ва транспарентлик тамойиллари асосида кўриб чиқиш, сайлов комиссиялари қарорла-

топган. Аҳамиятлики, ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳам бир сутка мобайнида кўриб чиқилиши назарда тутилган. Энг муҳими, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барчаси қасддан содир этилгани исботланиши лозим.



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51<sup>2</sup>, 51<sup>3</sup>, 51<sup>4</sup>, 51<sup>5</sup> ва 51<sup>6</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун мансабдор шахслар, 51<sup>6</sup> ва 51<sup>7</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жисмоний ва мансабдор шахслар, 51<sup>7</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жисмоний шахслар жавобгарлик субъекти ҳисобланади. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан йигирма бараваригача жарима маъмурий жазоси қўлланиши мумкин.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлилиги бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддаси 1-қисмига кўра, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ушбу ҳуқуқлар жиноят қонунчилиги билан ҳам муҳофаза қилинади. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи амалдаги Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддаларида белгиланган. Таққослаш учун айтилган бўлса, ривожланган демократик давлатларда ҳам сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Швейцария, Нидерландия, Германия каби давлатларнинг жиноят қонунчилигида сайловларни ўтказишга зўравонлик ёки қўрқитиш йўли билан тўсиқлик қилиш, сайлов натижаларини, сайлов ҳужжатларини сохталаштириш, сайлов сирини ошкор қилиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишга зўравонлик билан қаршилик кўрсатиш сингари қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда сайловга оид қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлигини белгилловчи нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланган ва ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилиги амалиёти ҳамда таърибисига мослигидан далолат беради.

Ҳулоса ўрнида айтсак, сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципи тўлиқ амалга оширилиши, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашиши, сайловнинг очик ҳамда ошкоралиги тамойиллари мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОННИ ХИМОЯ ҚИЛИШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ



Садрриддин ТУРАБЖОНОВ, Тошкент давлат техника университети ректори, профессор

Жуда тез суръатда ўзгараётган, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар билан тўлиб тошган асримизни мутахассислар “оммавий ахборотлашув асри” ёхуд “глобаллашув асри” деб атамоқда.

даврд исплохотлар бир текис кечган эмас. Аммо давлатимизнинг катта ўзгаришлари бусағасида халқни, айниқса, ёшларни йўлдан оғдириш, ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, улар онгига ғайримиллий қарашларни синдиришга уриниш билан бирга ўз давлати ва маданиятига қарши кайфият уйғотишга қаратилган ҳаракатлар ижтимоий тармоқларда зимдан пайдо бўлаётгани ташвишли ҳолат.

Бу ёшларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий фаолият ва турмушига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ижтимоий муаммоларни

эълон қилинаётган материаллар ҳам жамоатчиликда давлат сиёсатини тушунмаслик, ишонсизлик, норозилик кайфиятини шакллантиришга қаратилмоқда.

Интернет, ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда оломон маданиятини тарғиб қилувчи, маиший бузуқ контентлар фаолияти кучайгани маълум. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот коммуникацияларининг ривожланиши, интернетга улашни имконини берувчи замонавий смартфон ва гажетларнинг оммалашуви ҳамда ёшлар орасида кенг тарқали

Мамлакатимизда ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини рўйга чиқариш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Шунга қарамадан, интернет оламидagi ахборот хуружларининг олдини олиш, батамом хавфсизликни таъминлаш имконияти чегараланган.

Бунинг бир қанча сабаблари бор. Энг аввало, демократик кадрлар нуктаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш инсоннинг ахборот олиш ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартидир. Шунингдек, глобаллашув жараёни дунё миқёсида инсоният ҳаётига тобора тез ва шиддат билан чуқур кириб келаётганини ҳисобга олсак, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва фаровонлиги нафақат уни қуршаб турган давлатлар, балки дунё мамлакатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бирор мамлакат бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслиги ҳам кундек равшан.

Бу жараёндан четда қолиш ҳам, бутунлай берилиб кетиш ҳам хавфли. Шу босис, глобаллашув жараёнидан самарали фойдаланиш учун интеллект ва иммунитет кучли бўлиши зарур. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин.

Албатта, бу ўша фойдаланаётган миллат ва халқнинг интеллектига ва иммунитетига кўпроқ боғлиқ. Шунинг учун ҳам глобаллашув жараёнидан эзгулик мақсадида фойдалана олиш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш зарур. Глобал жараёнларнинг ўткир тўғидан бири бу мафкуравий таъсир ўтказишидир.

Зеро, глобаллашув таъсирида дунёнинг ҳамма нуқтасида ахборотлашган жамият тезлик билан шаклланимоқда. Бу дегани, ахборот дунёсида давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Жаҳон компьютер тармоғи давлат бошқарувини тубдан ўзгаришга солади.

Худудий жойлашувидан қатъи назар, кундалик ҳаётимизга турли ахборотлар интернет орқали кириб келмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд ахборотларга ноқонун кириш, улардан фойдаланиш ва ўзгариштириш,



Бугун юртимизда оммавий ахборот воситалари учун йўллар очилди, журналистлар ҳам дадил. Инсон ҳуқуқлари бузилиши, коррупция ва давлат хизматчиларининг бебарволигини қаламга олиш, эфирга узатиш энди тақиқланган мавзу эмас. Ижтимоий ўзгаришлар жараёни амалда. Ёшлар унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

рўқач қилиш, таҳлилий, объектив тақлиплардан йироқ маълумотларни тарқатиш, саёз, баъзида бўхтон ва



бемаъни эшиттиришлар, ҳаёсиз лавҳалар орқали ижтимоий тармоқдаги саҳифалар обуначиларини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда миллий кадрларимизга зид ҳолатларнинг намоён бўлиши, аввало, давлат рамзларига ҳурматсизлик, давлат раҳбари фаолиятига оид турли уйдирма ва ёлгон хабарларнинг тарқатилишида намоён бўлмоқда. Аммо бу борада ҳуқуқий жавобгарлик масаласи ҳануз изчил тартибга солинган эмас.

Бундан ташқари, айрим блогерлар томонидан ҳуқуқат фаолиятига ноҳолис, бир томонлама ёндашувга асосланган, баъзида воқеа-ҳодисани тўлиқ текширмасдан туриб, оммага

йўқотишдан ҳимоя қилиш долзарб муаммо бўлиб қолаётди. Бугун дунёда ахборот уруши, аниқроқ қилиб айтганда, гибрид урушнинг камиди 60 фоизи асосан интернет тармоғи орқали амалга оширилиб, шиддат билан авж олмоқда.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида давлатчилик асосларини ривожлантириш борасидаги исплохотлар кўлами ва миқёси билан аввал бошқарув таърибасида бўлмаган улкан ва мураккаб вазифаларни амалга оширишга тўғри келаётди. Албатта, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар оғир синовлардан, баъзида йўқотиш ва адашишлардан холи бўлмаётгани ҳам бор гап. Бу табиий жараён. Ҳеч бир давлатда, ҳеч бир

МАРКАЗИЙ ОСИЁ : ИҚТИСОДИЙ РИШТАЛАР



КўП ҚИРРАЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

2020 йилда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро (товар билан) савдоси (млн. доллар)

Table with 7 columns: Country, Kyrgyzstan, Kirgiziston, Tojikiston, Turkmaniston, Uzbekiston, Jami. Rows show trade volumes for each country and a total row.



Шухрат ТОШМАТОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, 2017-2018 йиллар мобайнида Президентимиз Туркменистонга тўрт марта ташиф буюрди, икки томонлама муносабатларнинг норматив-ҳуқуқий тузилмаси сезиларли даражада янгиланди. Энг муҳим ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси ва



Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги, 2018-2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни киритиш мумкин. Замонавий ўзбек-туркман мулоқотида савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Икки мамлакат Президентлари транспорт соҳаси иқтисодий ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири эканини бевоқифа таъкидламоқда.

Умуман олганда, Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудига 75,3 миллион аҳоли истиқомат қиладиган бозор шаклланиди. 2020 йилда минтақанинг умумий ялпи ички маҳсулоти ҳажми 291,1 миллиард долларни, ташқи савдо айланмаси 142,5 миллиард долларни ташкил этди.

Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодийи сўнгги йилларда 5-7 фоиз ора-

лигида юқори ўсиш суръатларига эга бўлди, ҳатто 2020 йилги коронавирус пандемияси туфайли юзага келган инқироз даврида ҳам бу борадаги кўрсаткичлар фақат Қозғистон ва Қирғизистонда салбий жиҳат касб этди.

Жаҳон банки прогнозларига кўра, Марказий Осиё давлатлари 2021 йилда ЯИМ ўсишининг ижобий динамикасини тиклаш ва 2022 йилда ўсиш суръатини ошириш имкониятига эга бўлади.

2020 йилда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида умумий савдо айланмаси (хизматлар савдосидан ташқари) 12,2 миллиард долларни, умумий ташқи савдо айланмаси 145,5 миллиард долларни ташкил этди. Бундан ташқари, уларнинг умумий ташқи савдо айланмасида ички худудий савдо улуши 8,4 фоизга тенг бўлди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ички худудий савдода иштирок этиш даражаси турлича эканини таъкидлаш лозим.

Масалан, минтақанинг умумий савдо айланмасига нисбатан улар ўртасидаги савдо ҳажмида Қозғистон ва Туркменистоннинг улуши энг паст бўлиб, тегишлича 5,5 ва 4,5 фоизни ташкил этди. Тожикистон ва Қирғизистоннинг ички худудий савдодаги иштироки энг юқори бўлиб, тегишлича 28,3 ва 21,0 фоиз атрофида бўлиб келяпти. Узбе-

кистон 13,3 фоиз кўрсаткич билан ўрта ўринни эгаллайди.

Қозғистон ва Туркменистон ташқи савдоси, асосан, МДҲ мамлакатларига (Европа, Хитой, Россияга) етказиб бериладиган углеводородларнинг экспортдаги устунлиги туфайли минтақавий бозорга камроқ эътибор қаратади ва импортнинг аксарияти ҳам шу мамлакатларга тўғри келади.

Марказий Осиё мамлакатлари товар экспортининг асосий қисми қазилма табиий бойликлар ва уларни бирламчи қайта ишлаш маҳсулотлари (барча товар экспортининг 70-80 фоизига) бўлишига қарамай, улар бу борада ўзаро нисбатан анча кам даражада бир-бири билан савдо қилади.

Жумладан, 2020 йилда Тожикистоннинг умумий экспорт ҳажмида оптикнинг улуши 58,1 фоизни, Қирғизистонда 50,2 фоизни ва Ўзбекистонда 38,3 фоизга тенг бўлса, Қозғистоннинг 66 фоизга яқин ташқи савдосини асосан Европа Иттифоқи мамлакатларига сотиладиган минерал маҳсулотлар ташкил этди. Туркменистон экспортининг асосий улуши ёки қарийб 70-80 фоизи табиий газ бўлиб, у асосан Хитойга йўланади.

Шу босис, уларнинг учинчи мамлакатларга экспорти (нефть, газ ва қимматбахол металллар) ҳажмларини ҳисобга олмасак, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо улуши анча юқори бўлади. Бунда фойдали қазилмалар бўлмаган товарлар учун Марказий Осиё давлатлари минтақадagi барча мамлакатлар манфаатларига жавоб берадиган ички худудий савдо ҳажмини, айниқса, тайёр маҳсулотларни кўпайтириш учун катта истиқболга эга.

Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари минтақа доирасида савдо операцияларини амалга оширишда товарлар етказиб бериш учун энг қисқа масофаларга эга ва бу уларга транспорт харажатларини тежашда афзалликлар беради. Минтақада халқаро транспорт йўналишлари ва инфра-тузилмасини ҳамкорликда яратиш эса экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорларига етказиш беришда транспорт харажатларини камайтиришга имкон яратади.

Таъкидлаш керакки, Марказий Осиё минтақасининг барча мамлакатлари экспорт ҳажмини ошириш ва уларнинг ташқи савдосини диверсификация қилиш, янги ташқи бозорларга чиқиш, шунингдек, янги транспорт йўналишларини яратиш ва улардан фойдаланишдан манфаатдор. Иқтисодий ҳамкорлигининг самарали ташкил этилиши ҳар бир давлатнинг кенг кўламли исплохотларини ва демократик ўзгаришларни муваффақиятли рўйга чиқаришда, халқаро майдонда ўз нуфузини мустаҳкамлашда ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ДИНАМИКАСИ

Table with 6 columns: Year, 2017, 2018, 2019, 2020, 2021 (forecast), 2022 (forecast). Rows show GDP growth rates for Kyrgyzstan, Uzbekiston, Turkmaniston, Kirgiziston, and Tojikiston.

